

## ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАР ҚАНДАЙ ВАЗИФА БИРЛАМЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА

**Шаҳризода Турсоатова**

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги  
101-умумтаълим мактаби ўқувчиси.

**Аннотация:** Мамлакат, Ўзбекистон, келажак, ўғил-қизлар, истиқбол, равнақ, ёшлар, тараққиёт, ренессанс, Ватан, ташаббус, марралар, юксалиш, Президенти, шарт-шароитлар, мақсадлар, куч-ғайрат, азму -шижоат.

**Калит сўзлар:** Мамлакат, Ўзбекистон, ёшлар, азму-шижоат, тараққиёт, Президент, марралар, юксалиш ренессанс.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлод камолотига эътибор катта. Шу боисдан ҳам қайси жабҳада ўзгариш бўлмасин, аввало ёшларга, навқирон авлоднинг куч-ғайрати ва азму шиҷоатига суюнилади.

Бугун ҳалқимиз ўз олдига улкан марраларни қўйган. Президентимизнинг она Ватанимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббуси онгу қалбимизга сингиб, ҳар биримизни олдинга интилишга, юксак мақсадлар сари одимлашимизга руҳлантираяпти.

Бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари сифатида ёшларнинг камолот даргоҳлари, оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим ҳамда илмий-маданий муассасаларда соғлом муҳит қарор топтирилмоқда. Яратилаётган замонавий шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар боис таълим, илм-фан, маданият масканлари фаолиятида туб бурилишлар рўё бераётир.

Бугун Президентимиз томонидан юртимизда истеъдодли ва иқтидорли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қўплабишлиар амалга оширилаётир. шунингдек, кўрик-танловларнинг ғолиб ва совриндорларини доимий қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланмоқда. Ёшларни санъат, адабиёт ва спортга жалб этиш, бу боада уларнин иқтидорларини рўёбга чиқариш бўйича ҳам қатор таклифлар билдирилаётгани биз ёшларга катта қувонч бағишлиаш билан бирга, кучимизга-куч қўшаётир. Янгидан-янги марралар сари олға боришимизга, юксак чўққиларни забд этишимизга замин бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ёшлар форумида сўзлаган нутқларида, “Ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга” эканини алоҳида таъкидладилар. Буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўқиб-ўрганишга, уларга муносиб ворис бўлишга сидқидилдан ҳаракат қилимогимиз ва бу ҳар биримизнинг ҳаётий шиоримизга айланмоғи лозим деб биламан.

Ўз мазмун-моҳиятига кўра тарихий, халқаро-ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий ва маданий жиҳатдан юқори аҳамиятга эгадир. Тан олиб айтиш керакки, халқаро майдонда Янги Ўзбекистон сингари ёшлар масаласини кун тартибига муҳим ва долзарб масала сифатида олиб чиқкан, амалий таклиф ва ташаббусларни илгари сурадиган халқаро ҳуқуқнинг субъекти йўқ десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу ўринда айтиш керакки, Президентимиз томонидан ҳар сафар юксак минбарлардан туриб ёшлар масаласи юзасидан тарихий таклифларнинг билдирилиши Биз Ўзбекистон ёшларига катта ғурур ва мотивация беради. Чунки, мазкур оқилона ва фаол ташқи сиёсат орқали Янги Ўзбекистон дунё ёшлари – келажак эгаларининг тақдирига бефарқ эмаслигини англаради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “... Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат” дедилар.

Ўз-ўзидан бу сингари сўзлар биз ёшларнинг кучимизга-куч ғайратимизга ғайрат қўшади. Бу сингари дадил сўзлардан қайсиadir маънода руҳий озуқа билан бирга катта куч мативатция ҳам оламиз десам ато бўлмайди.

Биз ёшлар 2021 йил Ўзбекистон ёшлари тақдири, мамлакатимиз тарихи ва жаҳон ёшлари тақдирида “ёшлик кайфияти ва руҳияти энг юксак чўққига чиқкан давр” бўлиб қолишига ишонамиз. Чунки, 2021 йилнинг илк кунлариданоқ, Давлатимиз раҳбари биз ёшларга “Келажак устунлари” сифатида қараб, ўзининг “Энг яқин кўмакчилари” ва “Халқимизнинг азиз фарзандлари” сифатида таъкидлаган эди. Бу Давлат раҳбари томонидан ёшларга билдирилган жуда катта ишонч ва қўллаб-қувватлашни англаради. Умид қиласизки, 2022 йил ҳам биз ёшларнинг ҳаётимизда унтилмас лаҳзалар, янги ислоҳотлар ва янги гиланишлар жараёни билан муҳрланади. Ёшлар учун янги имкониятлар ва қўшимча шарт-шароитлар яратилади.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбарининг ёшларга қарата айтган “Заҳматли меҳнати орқали орзу-умидлари ушалган инсон – энг баҳти инсондир. Шунинг учун доимо баландларга интилинг, эзгу мақсадингиз учун курашинг. Доимо ўқинг-ўрганинг, ўзингизга ишонинг, кашфиётлар қилинг, янгиликлар яратинг, олдинга дадил қадам ташланг” деган ўғитлари бизни ҳамиша меҳнат қилишга, ўз устимиизда ишлашга, Ватанимиз ва халқимиз тақдирига бефарқ бўлмасликка, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари ўлароқ шукроналиқ ҳисси билан яشاшга чорлади.

Ҳар қандай давлатнинг ўтмишидан маълумки, мамлакатнинг катта суратларда ривожланиши, катта-катта ютуғларни қўлга киритишининг асосий сабаби ёшларга кўрсатилаётган эътиборининг ифодасидир. Айниқса, халқнинг варовон бўлиши давлатимизда ўғил-қизларнинг таълим-тарбиясига бериладиган эътибор даражасига боғлиқ десак муболага бўлмайди. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан айни даврда инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда БМТ минбарида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилгани ҳам халқаро ҳамжамият томонидан илиқ қаршиланди. Мамлакатимиз раҳбари бунга асос қилиб, бугун дунё миқёсида ёшларнинг сони икки миллиардан ортиб кетгани, халқаро терроризм ва эскремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини муҳим омиллар сифатида асослаб берди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун эканида ҳам рамзий мазмун-моҳият мужассам. Бинобарин, аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга

оширилаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интиувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Ўзбекистонни дунёning энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омили эканини мамлакат раҳбари ва ҳукумат яхши англайди.

Таъкидлаш жоиз, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Жумладан, ёшларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қўйидаги устувор вазифалар белгиланди:

Биринчидан, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Вatanга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;

Иккинчидан, ўрта маҳсус, қасб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;

Учинчидан, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 27 июнда имзоланган "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тӯғрисида"ги Фармон бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур Фармон билан "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси ташкил этилди ва ушбу жамғарма ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериши белгилаб қўйилди. Ушбу ҳужжатга эътибор қаратилса, ёшлар тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини комплекс ривожлантириш вазифалари аниқ ва тизимли белгиланганини кўриш мумкин.

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Айни вақтда таълимда, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджети харажатлари умумий

қийматининг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда. Табиийки, бугун ҳар қандай давлат ҳам бундай катта ҳаражатларни кўтара олмайди, аммо қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топилмоқда.

Ўзбекистон раҳбари мазкур ҳаражатларни ҳаражат эмас, балки келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблаб, таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидламоқда. Ҳақиқатдан ҳам, ислоҳотларнинг тақдири, натижаси, биринчи навбатда, кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб бера олишига боғлиқ. Шу мақсадда мамлакатда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта жорий этилди. Вилоятларда янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртқи ҳамда кечки олий таълим шакллари тикланди. Кейинги икки йил ичida мамлакатимизда 15 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг нуфузли университетлари филиаллари очилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда изчил давом эттирилмоқда. Бу борада Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди.

Биринчи ташаббус – ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлигини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қиласи.

Иккинчи ташаббус – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус – ҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус – хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

Давлатимиз раҳбарининг бу эзгу ғояси Ўзбекистон ҳалқи, айниқса, ёшлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб, қисқа вақт ичидаги мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзди.

Келгусида реал ҳаётга кенг жорий этиладиган ушбу беш ташаббусга кўра, ҳудудлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолати кескин яхшиланади, ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча яна 1,5 мингта тўгарак ташкил этилади. Ҳаттоқи, энг чекка қишлоқлардаги маданият марказларида ҳам бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва “Ёшлар клублари” фаолияти йўлга қўйилади.

Шунингдек, мамлакатимиз миқёсидаги 12 мингдан зиёд спорт иншоотига ёшларни максимал даражада қамраб олиш чоралари кўрилиб, барча умумтаълим мактаблари спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланади. Шу билан бир қаторда, олис ва чекка ҳудудларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қурилади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони янада кўпайтирилади.

Ёшларни интернетдаги заарали хуружлардан асрар, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалалари бўйича илғор ҳалқаро тажрибалар асосида барча ҳудудларда Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилади. Бу масканларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилади, ахборот технологиялари соҳасида бизнес бўйича инновацион кўнилмалар шакллантирилади, “стартап” лойиҳаларга ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, 2021 йилгача барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезлиқдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, босқичма босқич амалга оширилади. Янги ташкил этиладиган компьютер ўйинлари марказлари ёш авлоднинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган тест, викторина, ривожлантириш стратегиялари ва бошқа фойдали дастурлар билан таъминланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёев, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан.

2. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати түғрисида”ги Қонунидан.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар форуми”даги сўзлаган нутқидан. Янги Ўзбекистон газетаси.